

Лаборатория № 8.

Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий географияси курси.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий географияси курси таълими вазифаларини ўргатиш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий география курсини ўқиб ўрганиш, таҳлил қилиш.

2. Лаборатория дафтarga атлас билан биргаликда ишлаб ўқиш.

Ўзбекистон иқтисодий географияси Ўзбекистон иқтисодий географияси курсининг бир бўлими тарзида ўрганилади.

Ўзбекистон иқтисодий географиясининг вазифаси — ўқувчиларга республикамиз меҳнат ресурслари, халқ хўжалиги ва тармоқлари, уларнинг ривожланиши ва жойланиши ҳақида тушунча ва билимлар беришдан иборат.

Ўзбекистон иқтисодий географиясини ўрганиш билан Ўзбекистон иқтисодий географияси курсида эгалланган иқтисодий географик тушунча ва қонуниятлар ўз республикаси мисолида янада кенгайди, мустаҳкамланади, тегишли қўникма ва малакалар эса такомиллашади. Ўзбекистон иқтисодий географияси ёш авлодга коммунистик тарбия элементларини сингдириш учун қулай шароит яратади. Ўқувчилар ўз республикаси иқтисодий географиясига оид аниқ билимлар олиш билан объект ва ҳодисаларга материалистик нуқтаи назардан ёндашишга ўрганадилар. Ўзбекистон табиий ресурслари ва халқ хўжалиги ютуқларини батафсил ўрганиш ўқувчиларни ўз ўлкасига бўлган мухаббатини оширади, уларда ватанпарварлиги ҳиссиётларини ривожлантириш имкониятларини яратади. Республикамиз моддий ва маънавий бойликларини яратишда қардошларча ҳамкорлик ўқувчиларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш учун замин бўлиб хизмат қилади. Республика халқ хўжалиги тармоқларини ўрганишда ўқувчилар турли мутахассисликлар билан танишадилар, бинобарин, касб анлашга бўлган тайёргарликлари астасекин орта боради. Ўзбекистон иқтисодий географияси икки қисмдан: Ўзбекистон халқ хўжалигига умумий арактеристика. Ўзбекистон иқтисодий районлари ва областлари га харақтеристика беришдан иборат. Биринчи қисмда Ўзбекистон нинг табиий шароити ва есурслари, ларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, шаҳарлари, Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқлари: оғир саноат (қўмир, ефть, газ, электроэнергетика, рангдор металлургия, қора металлургия, машинасозлик ва металлсозлик, химия, қурилиш материаллари), енгил саноат (пахта озалаш, тўқимачилик, трикотаж, поябзал, ипакчилик) озиковқат саноатлари, деҳқончилик (пахтачилик, дон экинлари, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, умчилик), чорвачилик (қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик), ирригация, темир йўл, автомобиль, сув ва ҳаво транспорти географиясини ўрганишни назарда тутади.

Иккинчи қисмда эса Ўзбекистон территориясидаги иқтисодий районлар ва областлар намунавий план асосида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон иқтисодий географияси курсида дарслар системаси

Ўзбекистон иқтисодий географияси курсида Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий географик обзори — 22 соат, иттифокдош республикалар ва Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий районларига — 35 соат ва Ўзбекистон иқтисодий географиясига — 11 соат вақт ажратилади.

Биринчи бўлимнинг асосий қисми Ўзбекистон халқ хўжалик тармоқларига таъриф беришдан иборат. Бунда саноатнинг ўн, қишлоқ хўжалигининг уч ва транспортнинг беш тармоғи кўриб чиқилади. Ўзбекистон халқ хўжалиги, Ўзбекистон саноат география иқтисодий районлар алоҳидаалоҳида ўрганилади. Мазкур бўлимда дастлаб йирик иқтисодий районлар ҳақида, территориалишлаб чиқариш комплекслари (ТИЧК) ҳақида тушунча бёрилади.

Ўзбекистон иқтисодий районларига қуйидаги тартибда иқтисодий географик характеристика берилади:

Иқтисодий географик ўрни (ИГУ) ва табиий ресурслари.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.

Хўжалиги (саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорти).

Шаҳарлари.

Иқтисодий район характеристикасида хўжалигини ўрғаиш асосий ўринни эгаллайди. Иқтисодий район хўжалигининг ихтисоси таъкидланади ва асосланади, территориалишлаб чиқариш комплекси ва район ривожланишининг асосий истиқболлари аниқланади.

Иттифокдош республикалар ўрганиб бўлингач, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқалари темаси ўрганилалди.

Курс охирида учинчи бўлим — Ўзбекистон иқтисодий географияси ўрганилади.

Baholash mezonlari.

1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.

2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.

3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.

4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha